

САНОАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗИ ОҚИБАТЛАРИНИ БАРТАРАФ ЭТИШНИНГ УСТИВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ.

РЕЖА:

1. Саноат тармоқлари ривож ва унинг миллий иқтисодиётда тутган ўрни.
2. Мамлакатни жадал ислоҳ этиш ва модернизациялашнинг моҳияти, тамойиллари ва асосий йўналишлари.
3. Иқтисодиётни таркибий ўзгартиришнинг моҳияти ва мамлакат рақобатдошлигини оширишдаги роли.

Кириш.

Президентимиз ўз асарларида узоқ муддатга, яъни 2009-2014 йилларга мўлжалланган дастур ишлаб чиқиш тўғрисидаги масалага алоҳида эътибор қаратдилар. Бу дастурда иқтисодийтимизнинг асосий тармоқларини модернизация қилиш ва техник янгилаш, мамлакатимизнинг янги марраларни эгаллаши учун кучли туртки берадиган ва жаҳон бозорида рақобатдошлигини таъминлайдиган замонавий инновация технологияларини жорий қилиш бўйича мақсадли лойиҳаларда ўз ифодасини топади.

Мазкур кенг кўламли дастурни амалга ошириш учун мамлакатимизда сўнгги йилларда жиддий тайёргарлик кўриб келинмоқда. Жаҳон иқтисодий инқироzi бу жараёни янада жадаллаштиришга туртки бериб, уни ҳар томонлама тезлаштиришни тақозо этмоқда.

Бугунги кунда иқтисодийтимизни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, унинг рақобатдошлигини кескин ошириш, экспорт салоҳиятини юксалтиришга қаратилган муҳим устувор лойиҳаларни амалга ошириш бўйича Дастур ишлаб чиқилди. Бу борада, дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, умумий қиймати 24 миллиард АҚШ долларидан зиёд бўлган қарийб 300 та инвестиция лойиҳаси устида иш олиб борилмоқда.

Жумладан, бунда янги қурилиш лойиҳалари – 18,5 миллиард долларни, модернизация ва реконструкция қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича лойиҳалар эса тахминан 6 миллиард долларни ташкил қилади.

Мавзунинг долзарблиги. Давом этиб келаётган жаҳон молиявий иқтисодий инқирозини Ўзбекистон шароитида бартараф этишнинг йўлларида бири сифатида қаралаётган саноатни модернизация қилиш ҳозирги куннинг долзарб масалалардан биридир. Саноатни модернизация қилиш бўйича аниқ дастур ишлаб чиқилган бўлиб, унинг йўллари, усуллари ва лойиҳаларини такомиллаштириш ва амалга ошириш бўйича аниқ ишларни амалга ошириш талаб этилади. Инқироздан чиқишнинг асосий йўналиши Дастурга киритилиши мўлжалланаётган бу лойиҳалар авваламбор ёқилғи-

энергетика, кимё, нефт-газни қайта ишлаш, металлургия тармоқларига, енгил ва тўқимачилик саноати, қурилиш материаллари саноати, машинасозлик ва бошқа соҳаларга тегишлидир. Саноатни модернизация қилиш мамлакатимиз иқтисодиёти рақобатбардошлигини янада ошириш ва жаҳон бозорида ўз ўрнига эга бўлиш имконини беради.

Ишнинг вазифа ва мақсади. Саноатни модернизация қилиш, ишлаб чиқаришнинг тармоқлар таркиби ва таркибий сиёсатнинг усуллари ва йўналишларини ўрганишдан иборат.

Бугунги кундаги давлатимиз олдида турган асосий вазифа – ҳар бир лойиҳани қисқа муддатларда барча манфаатдор тузилмалар, биринчи навбатда, хорижий инвесторлар билан биргаликда батафсил кўриб чиқиш, улар бўйича келишувларни охирига етказиш ва 2009-2014 йилларга белгиланган ушбу стратегик муҳим дастурнинг қабул қилинишини тезлаштиришдан иборат.

Шунга кўра, 2009 йилдаги иқтисодий дастурнинг яна бир муҳим устувор йўналиши – **бошланган таркибий ўзгаришларни ва иқтисодиётни диверсификация қилиш жараёнларини давом эттириш** ҳисобланади.

Президентимиз иқтисодиётни таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилиш жараёнлари борасидаги ислохот ва янгиланишлар йўналишини 2000 йилдаёқ белгилаб олинганлигини, бироқ жаҳон иқтисодий инқироzi ишлаб чиқаришни мунтазам янгिलाб, модернизация қилиб бориш заруратини кун тартибига янада ўткир қилиб қўяётганлигини, бунинг учун бор куч-имкониятимиз ва ресурсларимизни сафарбар этишимиз зарурлигини қайд этдилар. Шунингдек, бу борада мисол келтириб, Тошкент, Навоий ва Толлимаржондаги учта иссиқлик электр станциясида мавжуд бўлган тежамкорлиги паст газ қурилмалари ўрнига замонавий буғ-газ қурилмаларини барпо этиш лойиҳаларини амалга ошириш учун катта инвестиция керак бўлиши, лекин иссиқлик энергияси ишлаб чиқаришда энергия манбаларидан фойдаланиш ҳажмини жаҳон стандартлари даражасида қисқартиришга эришадиган бўлсак, бундан келадиган самара

сарф қилинган харажатларни ҳар жиҳатдан тўла қоплашини, шунинг учун ҳам ушбу лойиҳалар ижросини жадаллаштириш устида қаттиқ ишлаш зарурлигини таъкидладилар.

Демак, мамлакатимизда саноатни модернизация қилиш, таркибий ўзгаришларни ва иқтисодиётни диверсификация қилиш жараёнларининг давом эттирилиши барқарор ва мутаносиб иқтисодий ўсишни таъминлаш, миллий иқтисодиётимиз рақобатбардошлигини ошириш ҳамда жадал тараққиётга эришишнинг муҳим омили ҳисобланади.

Саноат ишлаб чиқаришининг тарихий ривожланиши ва унинг асосий якунлари тўғрисида сўз юритилганда шуни таъкидлаш керакки, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида «Уй саноати»нинг ривож бундан 12-15 минг йил муқаддам мезолит даврида бошланган. Бу даврда жуда оддий меҳнат қуроллари ва буюмлари тайёрланган.

IX асрда Самарқанд ўзининг сифатли қоғози ва лампа шишаси билан машҳур бўлган. Шош вилояти кўнчилик маҳсулотлари билан донг таратган. Ўша даврда Ўрта Осиёдан Шарқий Европа, Хитой ва бошқа мамлакатларга Буюк Ипак йўли орқали чарм, мато, ипак, жун, кийим–кечак ва бошқа буюмлар жўнатилган.

XIV асрнинг 2-ярмида Амир Темур Самарқандда ҳокимиятни қўлга киритиб, марказлашган давлатга асос солди. Натижада давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий раўнақига катта йўл очилган.

XVI-XVIII асрларда Бухоро, Хива, Қўқон хонликларининг вужудга келиши иқтисодиётнинг, шу жумладан, саноат ишлаб чиқаришининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади ва XIX асрга келиб Туркистонда ҳунармандчиликда ёғоч ва металл ўймакорлиги, идишларга нақш солиш, матоларга гул босиш, қуролларни бадийий безаш ривожланади. Бу асрнинг иккинчи ярмида Ўзбекистон ҳудудида тараққиёт тезлашиб саноат, айниқса ип-газлама саноати ривож топди.

XX аср бошларида бир қанча пахта тозалаш, ёғ-мой заводлари қурилиб ишга туширилди. 1925-1926 йилларда электростанциялар қурила бошланди ва биринчи бўлиб Тошкент яқинида қурилган Бўзсув гидроэлектростанцияси 1926 йил 1 майда ишга туширилди.

Самарқанд, Бухоро, Қўқон, Термиз ва Асака шаҳарларида иссиқлик электростанциялари қурилиши бошланиб, 1930 йилда уларнинг сони 30 га етди. Ўсиб бораётган энергетика базаси бир қанча янги саноат корхоналари қуришга имконият яратди.

Иккинчи жаҳон урушигача бу ерда 500 дан ортиқ саноат корхоналари жумладан, «Ташсельмаш», Тошкент тўқимачилик комбинати, Чирчиқ-электрокимё комбинати, Каттакўрғон ёғ заводи, Бекобод ва Қувасой цемент корхоналари қурилди. Нефть ва рангли нодир металллар қазиб чиқариш, қурилиш саноати маҳсулотларини тайёрлаш ривож топди.

Саноат тараққиётида ёқилғи – энергетика мажмуасининг ўрни алоҳида эътиборга молик. Унинг таркибига энергетика, нефть ва нефтни қайта ишлаш, газ ва газ конденсати, кўмир қазиб олиш ва бошқа бир қатор кичик соҳалар киради. Бу мажмуанинг ҳиссаси саноат комплексида 23,8%дан иборат.

Ўзбекистон республикаси жаҳондаги 10 та газ ишлаб чиқарувчи мамлакатлар жумласига киради.

Мамлакат иқтисодиётининг таркибий тузилиши шаклланишида унинг табиий ресурс салоҳияти, географик жойлашуви, ишлаб чиқариш кучларининг ривожланганлик даражаси каби омиллар муҳим аҳамиятга эга бўлсада, уни ўзгартириш ва такомиллаштиришда давлатнинг таркибий сиёсати ҳал қилувчи роль ўйнайди.




Иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичида таркибий ўзгаришлар сиёсати:

- мамлакат иқтисодиётининг диверсификациялашув даражасини кўтариш, яъни ишлаб чиқарилаётган товарлар ва хизматлар номенклатурасини кенгайтириш, ЯИМ, экспорт каби кўрсаткичларда алоҳида тармоқ маҳсулоти ёки маҳсулот гуруҳининг устунлик қилишига барҳам бериш;
- ташқи бозорлардаги конъюнктура ўзгаришларига кам таъсирчан бўлган тармоқлар ва соҳаларнинг ЯИМ ва бандликдаги улушининг юқори бўлишини таъминлаш;
- тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи, шунингдек экспорт қилувчи корхона ва тармоқларнинг хом ашё ва бутловчи қисмлар билан таъминланишида маҳаллий корхоналар улушининг устунлигига эришиш;
- юқори технологиялар ва замонавий техника билан билан қуролланган, арзон ва сифатли, ташқи бозорда бемалол рақобатга кириша оладиган саноат тармоқларининг саноат ишлаб чиқариши кўрсаткичларидаги улушини ошириш;
- конъюнктура ўзгаришларига тез мослашувчан, капитал сиғими паст бўлган соҳа ва тармоқларнинг ялпи иқтисодий кўрсаткичлардаги салмоғини оширишга эришиш йўналишларида олиб борилмоқда.

Иқтисодиётнинг таркибий тузилишини такомиллаштириб бориш, чуқур қайта ишланган, тайёр, қўшилган қиймат ҳиссаси юқори бўлган маҳсулот ишлаб чиқарувчи тармоқларни жадал ривожлантириш ва уларнинг ЯИМ ҳамда мамлакат экспортидаги улушини кўпайтириш муҳим аҳамиятга эга.

Республикамизда олиб борилган изчил таркибий сиёсат натижасида иқтисодиётнинг таркибий тузилишида сифат силжишлари рўй берди.

Жумладан, саноат ишлаб чиқаришининг ЯИМдаги улуши 2000 йилда 14 фоизни ташкил этган бўлса, 2009 йилда бу улуш 24 фоизга етди.



Шунингдек, транспорт ва алоқа тармоқларининг ЯИМдаги улуши шу даврда 8 фоиздан 12 фоизгача кўтарилди. Саноат, транспорт ва алоқа тармоқларининг ЯИМдаги улуши ортиши солиқ юкининг камайтирилиши, бу тармоқларга инвестициялар устувор тарзда жалб қилиниши, йирик инвестиция лойиҳаларининг муваффақиятли амалга оширилиши натижасида бўй берди.

Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмлари шу йилларда муттасил юқори суръатларда ўсди. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирига қарамасдан тармоқда ўсиш суръати 2008 йилда 12,7 фоизни, 2009 йилда эса 9 фоизни ташкил этди



Таққослаш учун қайд этиш мумкинки, 2009 йилда саноат ишлаб чиқариши ҳажми олдинги йилга нисбатан Қозоғистон Республикасида атиги 1,7 фоизга ўсган бўлса, Россия Федерациясида 10,8 фоизга, Украинада 21,9 фоизга қисқарди.

2009 йилда юқори ўсиш суръатлари машинасозлик ва металлни қайта ишлаш (117,4%), кимё ва нефть-кимё, ёқилғи (110,3%), қурилиш материаллари (108,7%), қора металлургия (108,4%) ва озиқ-овқат (108,2%) саноатида қайд этилди.

Саноат – моддий ишлаб чиқаришнинг энг йирик етакчи тармоғи бўлиб, унда меҳнат қуроллари (воситалари), меҳнат буюмлари ва халқ истеъмол товарларининг кўпчилиқ қисми яратилади. Унда машина ва механизмларнинг барча турлари, бино ва иншоотларнинг конструктив элементлари ишлаб чиқарилади, ер ости бойликларини қазиб олиш амалга оширилади, минерал, ўсимлик ва ҳайвон хом ашёсига ишлов берилади ҳамда кенг истеъмол моллари тайёрланади.

Саноат жамиятнинг етакчи кучи бўлган ишчилар синфини ўзида бирлаштиради. Саноат ривожига тўғайли унда банд бўлган ходимларнинг сони кўпаяди, уларнинг билим ва илми, маҳорати ортади, кадрлар салоҳияти юқори даражага кўтарилади.

Саноат қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини қайта қуришнинг негизи ҳисобланади. Уни янги техника билан таъминлаш орқали саноат деҳқон хўжалигини иқтисодий ва маданий жиҳатдан юқори даражага кўтаришга, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги муҳим тафовутни йўқотишга, деҳқон меҳнатини индустриал меҳнатга айлантиришга ёрдам беради.

Саноат учун узлуксиз фан-техника тараққиёти ва ишлаб чиқариш илм-фан ютуқлари билан қуролланишининг ўсиши характерлидир. Унда электрлаштириш ва электронизациялаш, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва компьютерлаштириш ҳамда химиялаштириш соҳасидаги илғор ютуқлардан кенг фойдаланилади ва уларнинг ютуқларини тинчлик мақсадида қўлланилади.

Саноат, айниқса унинг устувор соҳалари бутун ишлаб чиқаришни глобаллаштириш муаммоларини ҳал этишнинг калитидир. Саноат моддий ишлаб чиқаришнинг бош тармоғи, иқтисодиётнинг пойдеворидир. Миллий иқтисодиётнинг барча тармоқларини қайта қуришга қодир бўлган йирик машиналашган саноатгина мустақилликнинг бирдан бир моддий негизи бўлиши мумкин.

Саноат табиатда учрайдиган моддий бойликларни қазиб чиқариш ва тайёрлашни, уларни ва қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулотларни қайта ишлашни ўз ичига қамраб олади. У барча халқ хўжалиги тармоқлари учун ишлаб чиқариш кучларининг асосий элементларидан бири ҳисобланган жамиятнинг табиат устидан ҳукмронлигини бирмунча орттирадиган, фан-техника тараққиётини белгилайдиган, инсон меҳнатининг унумдорлигини оширишга имкон берадиган, меҳнат ва ишлаб чиқариш қуролларини яратадиган соҳадир.

Саноат тараққиёти ишлаб чиқариш кучларининг бир томонлама ривожланишига хотима беради, мамлакат ва унинг ажралмас қисми бўлмиш вилоятларнинг табиий бойликларидан, хомашё ва меҳнат ресурсларидан кенгроқ ва ҳар томонлама фойдаланиш имкониятини яратиб беради.

Ҳозирги замон йирик саноати бир бири билан чамбарчарс боғлиқ бўлган

кўпгина тармоқлар ва ишлаб чиқаришлардан ташкил топади. Бугунги кунда республика саноатида 175 тармоқ, 1500 га яқин йирик ва ўрта саноат корхоналари мавжуд.

Ўзбекистонда кичик бизнеснинг иқтисодий асосий тармоқларида ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизмат)лар ҳажмидаги улуши, фоизда

Кўрсаткичлар	2008 йил	2009 йил
Саноат	13,9	16,9
Қишлоқ хўжалиги	97,8	97,9
Қурилиш	48,3	41,6
Савдо	48,1	46,5
Асосий капиталга инвестиция	23,1	23,7
Пуллик хизмат	48,5	48,7
Экспорт	12,4	14,6
Импорт	35,7	42,5

Умуман олганда, тармоқлар бўйича ишлаб чиқариш таркибида оғир саноат (ёнилғи-энергетика мажмуаси, машинасозлик, металлургия) салмоғининг ошиши енгил саноат улуши ҳисобига бўлмоқда. Ишлаб чиқаришни диверсификациялаш ва кўшимча қиймат яратувчи саноат тармоқларини ривожлантиришга қаратилган иқтисодий стратегия республикага яхши натижалар келтирмоқда.

Ўзбекистон ўзининг олтини, пахта толаси ва ипаги, нефти ва газ, самолёт ва автомобиллари, пахта териш машинаси ва пахтани қайта ишлаш машиналари билан, эксковатор ва компрессорлари, вино ва консервалари ҳамда бир қатор бошқа саноат маҳсулотлари билан дунёга машҳурдир.

Ўзбекистон республикасининг индустриал қиёфасини энергетика, кон-руда, олтин қазиб оловчи, самолётсозлик ва автомобилсозлик саноатлари,

электротехника ва электрон саноатлари, кўп тармоқли машинасозлик ва қурилиш материаллари саноати белгилаб бермоқда.

Истиқболда кимё саноатини ривожлантириш фосфорит, целлюлоза, каустик ва калций содаси, калий ўғитлар, ўсимликларни кимёвий ҳимоя воситалари, толуол, полимерлар каби энг муҳим хомашё турлари бўйича республикамизнинг мустақилликка эришиш, маҳаллий хомашёдан маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологиясини яратиш, чет мамлакатлардан олинаётган кимё маҳсулотларининг кўп қисмини, яъни асосий турларини республикада ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ишлаб чиқариш чиқиндиларини қайта ишлаш, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш, хорижий технологиялардан фойдаланиш, экологик муаммоларни ҳал этиш, кимё саноатининг экспорт имкониятларини кенгайтириш йўналишларида иш олиб борилмоқда. Кимё саноати корхоналарида Хитой, АҚШ, Япония, Германия, Италия корхоналари билан ўзаро фан-техника, савдо-сотик соҳаларида ҳамкорлик йўлга қўйилган, хорижий шериклар иштирокида қўшма корхоналар ташкил этилмоқда.

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги (2010 йил 27 январь) маърузасида Олий Мажлиснинг қонун ижодкорлиги фаолиятида мамлакатимизда иқтисодий соҳада амалга оширилаётган таркибий ўзгаришларни, қулай инвестицион муҳитни шакллантириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш, банк-молия тизимини ривожлантиришни норматив-ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш масалалари алоҳида ўрин эгаллаганлигини таъкидлаб ўтди.

Бу даврда хусусий мулкни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишни кучайтириш, мамлакатимизда ҳар томонлама бақувват мулк эгалари синфини шакллантириш, фермерлик ҳаракатини мустаҳкамлаш, иқтисодиётни янада либераллаштиришни таъминлаш, тадбиркорлик, аввало кичик бизнес фаолиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш, кенг тармоқли

бозор инфратузилмасини барпо этишни кўзда тутадиган қонун ҳужжатларининг бутун бир мажмуаси қабул қилинди.

Аҳоли даромадлари ва халқ фаровонлигини узлуксиз ошириб бориш, кенг миқёсдаги ижтимоий дастурларни муваффақиятли амалга ошириш масалалари парламентнинг эътибор марказида бўлди. Иқтисодий ислохотларни қонуний жиҳатдан таъминлашга йўналтирилган бундай ва бошқа бир қатор тадбирлар 2009-2012 йилларга мўлжалланган, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини имкон қадар камайитишга қаратилган Инқирозга қарши чоралар дастурини самарали амалга оширишни ҳуқуқий таъминлаш, дунёдаги санокли давлатлар қаторида Ўзбекистонга иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатларини сақлаб қолиш ва аҳолининг реал даромадларини ошириш имконини берди¹.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, кўлга киритилаётган ютуқ ва муваффақиятларнинг асосида иқтисодиётни модернизациялаш жараёнининг ўрни аҳамиятли ҳисобланади. Шунга кўра, ҳозирда модернизация жараёнининг назарий ва методологик асосларини тадқиқ этиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Энг аввало, модернизация атамасининг мазмунига тўхталадиган бўлсак, одатда уни техника, технологияга оид тушунча деб қаралади. Жумладан, иқтисодиётга оид аксарият луғатларда унга қуйидаги мазмундаги таъриф берилади: «Модернизация – объектни янгилаш, яхшилаш, такомиллаштириш, уни янги талаблар ва меъёрларга, техник шартларга, сифат кўрсаткичларига мувофиқлаштириш. Асосан машина, асбоб-ускуналар, технологик жараёнлар модернизацияланади»². Фикримизча, бу модернизацияга тор маънодаги ёндашув бўлиб, бугунги кунда унинг кенг маънодаги мазмуни тобора долзарб аҳамият касб этиб бормоқда.

¹ Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. - Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 29 январь.

² <http://ekonomic.doco.ru/?id=797665467>.

Модернизация – анъанавий жамиятнинг илғор, индустриал жиҳатдан тараққий этган жамиятга айланишини таъминловчи ижтимоий-тарихий жараён. Модернизациянинг кенг маънодаги мазмунини тушунишда иқтисодчи олим Р. Нуреев унинг неоклассик ва кейнсча талқинларини фарқлайди. Жумладан, неоклассиклар томонидан модернизацияга хусусий мулкчилик ва демократияни мустаҳкамлаш сифатида ёндашилса, кейнсчилар томонидан, энг аввало, хўжаликнинг асосий тармоқларини қамраб олувчи таркибий ўзгаришлар сифатида тушунилади. Дастлабки ўринга техник-иқтисодий муаммолар қўйилади. Хўжаликнинг замонавий тармоқларининг мавжуд бўлмаслиги тараққиётнинг асосий тўсқинлик кучи сифатида қабул қилинади³.

Умуман олганда, модернизация анъанавий жамиятдан индустриаллашган, йирик машиналашган ишлаб чиқаришга ҳамда ижтимоий жараёнларни қонунларга таянган ҳолда оқилона бошқаришга асосланган жамиятга ўтиш жараёнларини намоён этади. Назарияда модернизация деганда «анъанавий тарздаги ёпиқ жамият»га қарама-қарши ўларок «замонавий очик тарздаги жамият»ни шакллантиришга олиб келувчи индустриялаштириш, секулярлаштириш, урбанизация, умумий таълим, ваколатли сиёсий ҳокимият тизимларининг қарор топиши, ҳудудий ва ижтимоий сафарбарликнинг кучайиши каби жараёнларнинг мажмуи тушунилади.

Бундан кўринадики, модернизация жуда кенг тушунча бўлиб, бугунги кунда уни жамият ҳаётининг турли жабҳаларини тубдан ўзгартириш, янгилаш, бу борада тараққиётни жаҳондаги мавжуд илғор андозалар томон йўналтириш ва такомиллаштириш жараёнларининг мажмуи сифатида ифодалаш мумкин.

Бугунги кунда модернизациялаш жараёнлари мамлакатимиз ҳаётининг деярли барча жабҳаларини қамраб олган. Айниқса, мазкур йўналишлар орасида ишлаб чиқаришни модернизациялаш муҳим ўрин тутди (1-расм).

³ Нуреев Р. Модернизация экономики: концепции и средства. - <http://www.soob.ru/n/2005/10/c/6>.

Зеро, миллий иқтисодиётнинг барқарор ва самарали амал қилишини таъминлаш, уни жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари тараққиёти даражасига олиб чиқиш, турли сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар, жаҳон бозори конъюнктурасидаги тебранишлар, инқироз ҳолатларига нисбатан «чидамлилиги», мустақил ривожлана олиш имконият ва салоҳиятлари айнан иқтисодиёт турли даражалари ишлаб чиқариш жараёнларидаги туб ислохотлар ва уларнинг натижаларига боғлиқдир. Бироқ, шу билан бирга ишлаб чиқаришни модернизациялаш ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги ўзгаришларга чамбарчас боғлиқ. Яъни, барча соҳа ва жабҳалар ўртасида жадал ислох этиш ва модернизациялаш жараёнларининг амалга оширилишида изчиллик ва мантикий мувозанатни таъминлашга ҳаракат қилиш лозим. Шу ўринда модернизациялаш жараёнининг жамият ҳар бир аъзосининг онглилиги ва мустақиллигини оширишдаги ўрнига алоҳида эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз. Чунки, иқтисодиёт ҳамда мамлакат ҳаётининг бошқа соҳаларини модернизациялаш энг аввало ушбу жараёнларда иштирок этувчи, уларни амалга оширувчи ва доимий равишда такомиллаштириб боровчи жамият аъзолари дунёқараши, тафаккурининг ўзгариши, уларнинг демократик ва туб ислохот жараёнларидаги фаоллиги ошишига бевосита боғлиқдир.

Ишлаб чиқаришни модернизациялашни амалга оширишнинг асосий йўналишлари ва воситалари⁴



Расм 1.

Иқтисодиётни таркибий ўзгартиришнинг моҳияти ва мамлакат рақобатдошлигини оширишдаги роли

Иқтисодиётнинг таркибий тузилишини такомиллаштириш вазифаси иқтисодий ислохотларни амалга оширишда доимо диққатимиз марказида бўлиб, иқтисодий ривожланиш борасида эришган ютуқларимизнинг муҳим омили ҳисобланади. Жаҳон иқтисодиётида кечаётган мураккаб жараёнлар иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, рақобатбардошлигини ошириш

⁴ Манба: Саидова Г. Модернизация, техническое обновление и диверсификация производства, широкое внедрение инновационных технологий – необходимое условие выхода Узбекистана на новые рубежи на мировом рынке / «Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» мавзусидаги Республика илмий-амалий анжуманидаги тақдимот материаллари. – Т., ТДИУ, 2009 йил 5 май.

учун унинг таркибий тузилишини муттасил такомиллаштириб бориш заруратини янада кучайтирди. Мамлакатнинг рақобатбардошлиги энг аввало унинг иқтисодий рақобатбардошлиги орқали ифодаланади.

Ички ва ташқи бозордаги рақобатбардошлик ўзаро жиддий фарқ қилиши мумкин. Бу бозорларда ички ва ташқи муҳитни ташкил этувчи омилларнинг турлича эканлиги, яъни тўловга қодир талаб ҳажми, ички ва ташқи бозордаги нархлар ўртасидаги фарқ, олиб борилаётган ташқи савдо сиёсати ва ҳ.к.лар билан белгиланади.

Миллий иқтисодийнинг рақобатбардошлик даражаси унинг табиий ресурс салоҳияти, меҳнат ресурсларининг сони ва сифати (малака даражаси), ишлаб чиқаришнинг техник-технологик модернизациялашганлик даражаси, иқтисодий таркибий тузилишининг такомиллашганлиги, давлатнинг иқтисодий ривожланиш ҳамда ислохотлар стратегияси қай даражада илмий асосланганлиги ва ўзгаришлар жараёнларини ҳисобга олганлиги ҳамда бошқа бир қанча омилларга боғлиқ.

Француз иқтисодчиси Ф.Перрунинг таърифига кўра, иқтисодий бирликнинг таркиби айтиш сароитида ва шу лаҳзада уни тавсифлайдиган пропорциялар ва нисбатлар мажмуидир. Мураккаб тизим сифатида иқтисодийнинг барча элементлари орасидаги шаклланиш ва ўзгариш борадиган пропорциялар ва ўзаро нисбатлар таркибий ўзгаришларни тавсифлайди.

Миллий ҳўжаликнинг мақбул таркиби, алоҳида турдаги ишлаб чиқаришларнинг ривожланганлиги ва баланслашганлиги, уларнинг ўзаро муносиблиги ҳар қандай давлат ривожланишининг пировард мақсади – аҳоли турмуш фаровонлигининг ошишига хизмат қилади.

Мамлакат ҳўжалигининг турли бўлак ёки қисмларга қандай белгилар асосида ажратилишига кўра иқтисодий таркибий тузилишининг турлари ўзаро фарқланади (2-расм).

Мамлакат иқтисодийнинг таркибий тузилиши шаклланишида унинг табиий ресурс салоҳияти, географик жойлашуви, ишлаб чиқариш

кучларининг ривожланганлик даражаси каби омиллар муҳим аҳамиятга эга бўлсада, уни ўзгартириш ва такомиллаштиришда давлатнинг таркибий сиёсати ҳал қилувчи роль ўйнайди.



2-расм.

Иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичида таркибий ўзгаришлар сиёсати:

- мамлакат иқтисодиётининг диверсификациялашув даражасини кўтариш, яъни ишлаб чиқарилаётган товарлар ва хизматлар номенклатурасини кенгайтириш, ЯИМ, экспорт каби кўрсаткичларда алоҳида тармоқ маҳсулоти ёки маҳсулот гуруҳининг устунлик қилишига барҳам бериш;

- ташқи бозорлардаги конъюнктура ўзгаришларига кам таъсирчан бўлган тармоқлар ва соҳаларнинг ЯИМ ва бандликдаги улушининг юқори бўлишини таъминлаш;


- тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи, шунингдек экспорт қилувчи корхона ва тармоқларнинг хом ашё ва бутловчи қисмлар билан таъминланишида маҳаллий корхоналар улушининг устунлигига эришиш;

- юқори технологиялар ва замонавий техника билан қуролланган, арзон ва сифатли, ташқи бозорда бемалол рақобатга кириша оладиган саноат тармоқларининг саноат ишлаб чиқариши кўрсаткичларидаги улушини ошириш;

- конъюнктура ўзгаришларига тез мослашувчан, капитал сиғими паст бўлган соҳа ва тармоқларнинг ялпи иқтисодий кўрсаткичларидаги салмоғини оширишга эришиш йўналишларида олиб борилмоқда.

Иқтисодиётнинг таркибий тузилишини такомиллаштириб бориш, чуқур қайта ишланган, тайёр, қўшилган қиймат ҳиссаси юқори бўлган маҳсулот ишлаб чиқарувчи тармоқларни жадал ривожлантириш ва уларнинг ЯИМ ҳамда мамлакат экспортидаги улушини кўпайтириш муҳим аҳамиятга эга.

Республикамизда олиб борилган изчил таркибий сиёсат натижасида иқтисодиётнинг таркибий тузилишида сифат силжишлари рўй берди. Жумладан, саноат ишлаб чиқаришининг ЯИМдаги улуши 2000 йилда 14 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилда бу улуш 24 фоизга етди (3-расм).



3-расм.

Шунингдек, транспорт ва алоқа тармоқларининг ЯИМдаги улуши шу даврда 8 фоиздан 12 фоизгача кўтарилди. Саноат, транспорт ва алоқа

тармоқларининг ЯИМдаги улуши ортиши солиқ юкининг камайтирилиши, бу тармоқларга инвестициялар устувор тарзда жалб қилиниши, йирик инвестиция лойиҳаларининг муваффақиятли амалга оширилиши натижасида рўй берди.

Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмлари шу йилларда муттасил юқори суръатларда ўсди. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi таъсирига қарамасдан тармоқда ўсиш суръати 2008 йилда 12,7 фоизни, 2009 йилда эса 9 фоизни ташкил этди (4-расм).



4-расм.

Таққослаш учун қайд этиш мумкинки, 2009 йилда саноат ишлаб чиқариши ҳажми олдинги йилга нисбатан Қозоғистон Республикасида атиги 1,7 фоизга ўсган бўлса, Россия Федерациясида 10,8 фоизга, Украинада 21,9 фоизга қисқарди.

2009 йилда юқори ўсиш суръатлари машинасозлик ва металлни қайта ишлаш (117,4%), кимё ва нефть-кимё, ёқилғи (110,3%), қурилиш

материаллари (108,7%), қора металлургия (108,4%) ва озиқ-овқат (108,2%) саноатида қайд этилди.

2009-2012 йилларда иқтисодиётда таркибий ўзгартиришларни янада чуқурлаштириш сиёсатини давом эттириш борасида қуйидаги вазифаларни амалга оширишга алоҳида урғу берилди:

1) корхоналар ўртасида барқарор кооперация алоқаларини ўрнатиш ва кенгайтириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш асосида маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича ишларни давом эттириш;

2) мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган истеъмол товарлари турини кенгайтириш ва ҳажмини ошириш орқали истеъмол бозорини улар билан тўлдириш ва мутаносиблигини таъминлаш;

3) аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасини янада кенгайтириш, хизмат кўрсатиш соҳасининг ЯИМдаги улушини 49 фоизга етказиш;

4) кичик бизнесни жадал ривожлантириш, соҳани қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни кучайтириш;

5) ташқи савдо айланмаси, шу жумладан экспортнинг товар таркибини янада диверсификация қилиш.

Бу вазифалар комплекс тавсифга эга бўлиб, бир-бирини тўлдиради ва иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлайдиган оптимал таркибини шакллантириш мақсадига хизмат қилади.

Маълумки, меҳнат тақсимооти ва унга боғлиқ равишда маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашиш меҳнат унумдорлигини ўстириш, тайёрланаётган маҳсулот сифатини яхшилаш ва таннархини камайтириш учун имконият яратади. Айни пайтда, у ёки бу маҳсулот турига ихтисослашиш ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун хом ашё, бутловчи қисмларни бошқа ихтисослашган корхоналардан сотиб олиш эҳтиёжини келтириб чиқаради. Шу тариқа корхоналар ўртасида кооперация алоқаларини ўрнатишга зарурат юзага келади.

Бугунги кунда кооперация алоқаларининг хом ашё етказиб беришдан иборат оддий кўринишидан тортиб то франчайзинг тизимини қўллаш каби мураккаб турларигача мавжуд.

Корхоналарнинг бозорларда қайси маҳсулот ёки хом ашёга эҳтиёж борлигини билишлари, уни ишлаб чиқаришни йўлга қўйишлари учун зарур бўлган материаллар ва хом ашёни қайси корхоналардан олишлари мумкинлиги тўғрисида ахборотга эга бўлишлари уларнинг ривожланиши, умуман мамлакат иқтисодиётининг юксалишида муҳим омил ҳисобланади.


Бундай ахборотларнинг етарли эмаслиги ва уларни олишдаги қийинчиликлар мавжудлиги сабабли мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган ёки ишлаб чиқариш имконияти мавжуд бўлган хом ашё, бутловчи қисмлар, материаллар ёки тайёр маҳсулотларни валюта эвазига, кўпинча қиммат нархларда хориждан олиб келиш ҳоллари мавжуд. Бунга барҳам бериш мақсадида мамлакатимизда тармоқ, тармоқ ичидаги ва халқаро саноат кооперациясини ривожлантиришга катта эътибор қаратилиб келинмоқда.

Мамлакатимиз корхоналарининг кооперацион алоқаларини кенгайтириш бир неча вазифаларни ҳал этиш имконини беради (5-расм).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 ноябрдаги «Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чоратadbирлари тўғрисида» 3937-сонли Фармонига кўра ташкил этилган Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси қуйидаги вазифаларни бажаради:

- тармоқ ичидаги ва тармоқлараро кооперацияни ривожлантириш;
- маҳаллий ва хорижий ишлаб чиқарувчиларни мамлакатимизнинг турли ҳудудларида ишлаб чиқарилаётган, импорт қилинаётган ва ўзлаштирилиши истиқболли бўлган товарлар билан таништириш;
- ишлаб чиқарувчиларга шерикларни излаб топишда ҳамда ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни етказиб бериш юзасидан хўжалик шартномалари тузишларида кўмаклашиш;

- мамлакатимиз корхоналари ишлаб чиқараётган маҳсулотларни, шу жумладан, маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотларни хорижий фойдаланувчилар учун қулай бўлган ахборот ресурслари орқали кенг реклама қилиш.



5-расм.

2008 йилда Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасига халқаро мақоми берилди. Иқтисодиётнинг реал секторини ривожлантириш вазифаларини ҳал эта бориб Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси узок муддатли хўжалик алоқаларини йўлга қўйиш ва кенгайтириш учун зарур қонунчилик базаси ва бозор инфратузилмасини яратиш, тармоқ ичидаги, тармоқлараро ва халқаро кооперация доирасида корхоналарга зарур хом ашё ва кредит ресурсларидан эркин фойдаланишлари имкониятини таъминлашга хизмат қилади.

Саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси икки босқичда:

- биринчи босқичда – тармоқ кўргазмалари ва ярмаркалари;

- иккинчи босқичда – Халқаро тармоқлараро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси ўтказилади.

2009 йил 20-27 октябрь кунлари ўтказилган Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг қуйидаги натижалари унинг юқори самара берганлигини кўрсатади:

- ярмаркада 378 та маҳаллий корхона, 46 та хорижий давлатнинг 600 та фирмаси вакиллари иштирок этди;

- жами ташриф буюрганлар сони 41 минг кишини ташкил этди;

- ярмаркада илгаридан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар билан бирга 124 турдаги янги тайёр маҳсулот, бутловчи қисмлар ва материаллар намойиш қилинди;

- кооперация биржаси давомида 1,9 трлн. сўмлик, яъни 2008 йилга нисбатан 1,4 марта кўп ҳажмдаги шартномалар имзоланди;

- мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилган 2,3 млрд. долларлик маҳсулотларни экспорт қилиш бўйича хорижий фирмалар билан шартномалар тузилди ва ҳ.к.

Корхоналар ўртасидаги кооперация алоқаларини кенгайтириш ва маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ўзаро чамбарчас боғланган жараёнлардир. Тармоқ ичидаги ва тармоқлараро саноат кооперациясининг кенгайиши тайёр маҳсулот, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш учун шарт-шароит яратади.

2010 йилда иқтисодиётимизни ривожлантиришнинг прогноз параметрларига эришиш, унинг рақобатбардошлигини таъминлаш, таркибий тузилишини такомиллаштириш каби ўзаро боғланган вазифаларни ҳал этишда маҳсулотлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш кўламини кенгайтириш муҳим роль ўйнайди.

Ҳозирда янги лойиҳаларни Маҳаллийлаштириш дастурига киритиш, ўзини оқламаган, истиқболсиз лойиҳаларни дастурдан чиқариш, лойиҳалар параметрларига ўзгартиришлар киритиш механизмлари такомиллаштириб борилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил

1 декабрдаги 1236-сонли Қарори билан Маҳаллийлаштириш дастурини тузиш тартиби такомиллаштирилди, бу жараёнда давлат бошқарув органлари ва лойиҳалар ташаббускорларининг асосий функциялари ва ваколатлари аниқ белгилаб берилди, дастурга киритилган лойиҳалар мониторингини олиб бориш тартиби жорий этилди.

Хулоса.

Саноат моддий ишлаб чиқаришнинг асосий ва етакчи тармоғидир. Саноатнинг вужудга келиши ва ривожланиши ишчилар сонининг ошиши ва унинг жамиятдаги мавқеи кўтарилишига олиб келади. Мустақиллик даврида жамиятни тарихий жиҳатдан янгилашда ишчиларнинг авангардлик роли тўғрисида сўз юритилар экан, фақат ишчилар синфигина меҳнаткашлар оммасининг бирлашуви, жипслашуви ва истиқлолни ҳимоя қилиш, мустаҳкамлаш ва уни узил-кесил таъминлашга ёрдам бера олади, дейиш мумкин. Ана шу фикрни Ўзбекистон воқеалиги кун сайин тасдиқламоқда. Ўзбекистон ишчиси республика ялпи ижтимоий маҳсулоти, миллий даромаднинг асосий қисмини бунёд этмоқда, мамлакат ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини юқори даражага кўтаришда фаол иштирок этмоқда.

Саноат – мамлакат мудофаа қобилятининг моддий асоси, эл-юртда тинчлик ва барқарорликни сақлашнинг муҳим омили, қўшни мамлакатлар мустақиллигини, ҳамкорлиги ва бирдамлигини таъминловчи муҳим соҳадир. Ўзбекистон давлати мудофаасини кафолатлашда саноатнинг роли бебаҳодир.

Саноат шундай тармоқки, барча мамлакатларнинг сиёсий, иқтисодий ва ташкилий интилишлари, уларнинг хўжалик жиҳатдан бирлашиши, яъни иқтисодий интеграция тавсифида ўз ифодасини топади. Натижада барча мамлакатларнинг табиий, меҳнат ва молиявий ресурсларидан, фан-техниканинг барча ютуқларидан оқилона фойдалиниш имкониятлари юзага келади.

Саноат, айниқса, оғир саноат – бутун ижтимоий ишлаб чиқаришни идустрлаштириш муаммоларини ҳал этиш калитидир. Шу сабабли жамиятнинг моддий-техника асосини қайтадан қуриш ишини ўзбек халқи Президент раҳбарлигида умуман саноат, хусусан, унинг энг муҳим соҳаларини ривожлантиришдан бошлади. Чунки бу соҳалар Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий қудрати, халқ фаровонлигини янада оширишнинг пойдевори ҳисобланар эди, бундан кейин ҳам шундай бўлиб

қолаверади.

Мустақилликнинг афзалликлари ва давлатнинг иқтисодий сиёсати саноатнинг етакчи ўрнини янада оширмоқда. Ислохотларнинг асосий йўналишлари ва уларнинг ечимини топиш даставвал саноат соҳасида амалга оширилмоқда ва яхши самара бермоқда.

Жаҳон молиявий иқтисодий инқирозини бартараф этишда саноатни модернизация қилиш, қўллаб қувватлаш муҳим бўлиб, сўнгги ўн йилликда саноат тармоқларида амалга оширилган ислохотлар натижасида Ўзбекистон ЯИМ ўсиши йиллик 7-9 %ни ташкил этмоқда. Саноатни модернизация қилиниши натижасида мамлакат рақобатбардошлиги ошиб, экспорт салоҳияти ҳам сезиларли даражада кенгайган.

Республика иқтисодиётида ва унинг етакчи тармоғи бўлган саноат соҳасида амалга оширилаётган таркибий силжишлар яқин келажакда қуйидагиларни амалга ошириш учун имкониятлар яратади:

- мамлакат аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотлари, оммабоп талабга эга бўлган товарлар ва бошқа ҳаётий зарур воситаларга бўлган эҳтиёжларини қондиришни таъминлаш;
- фан-техника тараққиёти ва саноатнинг илгарилиб борадиган ривожини таъминлайдиган технологияларни, умуман, илғор тармоқларни ривожлантириш;
- республиканинг ўзида ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни кўпайтириш ва шу асосда товарлар импортини қисқартириш;
- агросаноат мажмуи самарадорлигини ошириш ва уни қишлоқ хўжалиги хомашёсини янада чуқурроқ қайта ишлашга ўтказиш ҳамда тайёр маҳсулотнинг сифати ва товар кўринишини ошириш;
- кичик бизнес корхоналари (фирмалар ва тадбиркорлик, деҳқон, фермер хўжаликлари, «корхона-махалла» типдаги ишлаб чиқариш тузилмалари)ни ривожлантириш асосида янги ишчи ўринларини ҳамда янги соҳаларни яратиш;

- ниҳоят, республикада у ёки бу маҳсулотни ишлаб чиқариш учун тегишли шароит ва минерал-хомашё ресурслари мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда саноатнинг экспорт салоҳиятини ошириш ва экспорт устунлигига эришиш учун шароитлар яратади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, мамлакатимиз раҳбарияти томонидан инқирозга қарши чоралар доирасида саноатни модернизация қилиш бўйича 2009-2012 йилга мўлжалланган дастур ишлаб чиқилган бўлиб, Бу дастур мамлакатимизнинг кейинги ўн йилликдаги истиқболли тараққиётини белгилаб беради.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Каримов И. А. “Ўзбекистон XXI асрга интиломда”. –Т.: “Ўзбекистон”. 2000. 352 бет.
2. Каримов И.А. Ислохотлар стратегияси – иқтисодий салоҳиятни юксалтиришдир. – Т.: «Ўзбекистон». 2003. - 73 бет.
3. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз-жамиyatни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. 2005 йил 28 январь. «Халқ сўзи», 2005 йил, 31 январь.
4. Каримов И.А. “ Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш-устувор мақсадимиздир”. Қўқон садоси газетаси. 2010й 30 январь.
5. Каримов И.А. “Асосий вазифамиз-Ватанимиз тараққиёти ва ҳалқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир.” Қўқон садоси газетаси. 2010й 3 феврал.
6. И.А.Каримов Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари/-Т.: Ўзбекистон, 2009.-56 б.
7. Президент Ислом Каримовнинг Тошкент шахрининг 2200 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузаси. Халқ сўзи . 2009 йил 2 сентябр.
8. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, – Т.: «Ўзбекистон», 1992.
9. М. Шарифхўжаев, Ё. Абдуллаев. Менежмент: 100 савол ва жавоб. Т.: “Меҳнат”. 2000. – 560 бет.
10. Ш. Шодмонов, Р. Алимов, Т. Жўраев. «Иқтисодиёт назарияси». Ўқув қўлланмаси. Тошкент, «Молия нашриёти», 2000 йил. – 416 бет.
11. Тухлиев Н., Таксанов А. Национальная экономическая модель Узбекистана. - Т.: «Ўқитувчи» 2000. – 368 с.
12. А.Ортиқов. “Саноат иқтисодиёти“ (дарслик). –Т.: ТДИУ. 2004.
13. Маҳмудов Э.Х. «Қорхона иқтисодиёти» - Т.: ТДИУ 2004. - 208 бет.
14. Маҳмудов Э.Х., Исоқов М.Ю. «Капитал қурилиш иқтисодиёти» (маърузалар матни) - Т.: ТДИУ 2005.
15. Юлдашева Ш.М. «Саоат тармоқлари технологияси» - (ўқув қўлланма) - Т.: ТДИУ 2004. - 304 бет.
16. Ўзбекистон Республикаси Президенти 2002 йил 30 майдаги «Компьютерлаштириш янада ривожлантириш ва ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида». ПФ – 3080-сонли Фармони. «Халқ сўзи». 2002, 31 май.
17. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1-9-жилдлар.- Т.: «Давлат илмий нашриёти». 2002-2005 йиллар.
18. А.Рўзиев. «Марказий Осиё давлатлари иқтисодий ва ижтимоий географияси». Термиз: «Сурхондарё», 2000. – 120 бет.
19. А.Рўзиев, Қ.Абирқулов. «Ўзбекистон иқтисодий географияси». – Т.: «Шарқ», 2001. – 144 бет.
20. А.Рўзиев, О.Рўзиев. «Иқтисодий интеграциянинг ҳудудий-географик жиҳатлари». Термиз: «Сурхондарё», 2001. – 20 бет.
21. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси. Дарслик. К. Абдурахмоновнинг умумий таҳрири остида; - Т.: «Ўқитувчи», 2001. –480 бет.
22. Маҳаллийлаштириш дастури амалда. «Халқ сўзи» 2004.11 январь.
23. «Экономическое обозрение», март, 2002, 14 с.,№11(62) 2004. www.reviev.uz
www.cer.uz.
24. Экономика Узбекистана. Аналитический обзор за 2003-2004 гг. (Интернет сайт – www.ceer.uz, www.bearingpoint.uz, www.pea.uz.)
25. Промышленность Республики Узбекистан 2000, 2001, 2002, 2003, 2004. Статистические сборники.
26. www.press-service.uz. - Президент сайти.
27. www.gov.uz. - Ҳукумат сайти.

28. www.tsue.uz - Университет сайти
29. www.hamkor.uz.
30. www.stat.uz.